

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**465** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 26 августдаги ПФ-4751-сон «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»-ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 28 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2713*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 26 августдаги ПФ-4751-сон «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 26 августдаги ПФ-4751-сон «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2014 йил 27 ноябрдаги 79-сон «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 21 ноябрдаги ПФ-4672-сон «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2629, 2014 йил 2 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й. 49-сон, 586-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2015 йил 26 август,  
78-сон

Ўзбекистон Республикаси  
молия вазирининг 2015 йил 26 августдаги  
78-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил  
26 августдаги ПФ–4751-сон «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар  
ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони  
бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби  
тўғрисидаги  
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 26 августдаги ПФ–4751-сон «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармонининг 4-бандига мувофиқ, пенсияларни қайта ҳисоблаш тартибини белгилайди.

1. 2015 йилнинг 1 сентябридан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам:

иш ҳақи — ойига 130 240 сўм;

ёшга доир пенсиялар — ойига 254 730 сўм;

болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа — ойига 254 730 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа — ойига 156 310 сўм белгиланди.

2. 2015 йил 1 сентябрдан кейин иш ҳақининг якка тартибдаги коэффицентларни (2011 йил 1 октябрдан амалга киритилган) қўллаган ҳолда янги тайинланадиган пенсияларни ҳисоблаб чиқариш учун олинadиган иш ҳақини тенглаштириш учун ушбу Низомнинг иловасига мувофиқ энг кам ойлик иш ҳақи миқдорлари қўлланилади.

2015 йил 1 сентябргача тайинланган пенсиялар, юқорида кўрсатиб ўтилган Фармонда белгиланган 1,1 баравар миқдорга ошириш йўли билан қайта ҳисобланади.

3. Пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун энг кам иш ҳақининг саккиз бараваридан ( $130\ 240\ \text{сўм} \times 8 = 1\ 041\ 920\ \text{сўм}$ ) ортиқ бўлмаган ўртача ойлик иш ҳақи инобатга олинади.

4. Иш ҳақининг якка тартибдаги коэффицентини қўлланилган янги ўртача ойлик иш ҳақи миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг саккиз баравари ва ундан юқори миқдорида бўлган ҳолларда, пенсияларни қайта ҳисоблашни амалга оширишда иш ҳақи миқдори энг кам иш ҳақининг саккиз баравари 1 041 920 сўм ( $130\ 240\ \text{сўм} \times 8$ ) билан чегараланиб, иш стажининг давомийлигига боғлиқ равишда пенсияларни ҳисоблаб чиқариш учун қабул қилинадиган фоизларга кўпайтирилади.

5. Ёшга доир ёки I ва II гуруҳ ногиронлик бўйича пенсионерлар «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7 ва 17-моддаларига мувофиқ, пенсия тайинлаш учун зарур

иш стажига эга бўлмаган тақдирда, қайта ҳисоблашдаги пенсия миқдори мавжуд стажга мутаносиб равишда белгиланади.

6. Барча ҳолларда пенсияларга устама энг кам ойлик иш ҳақидан (130 240 сўм) келиб чиқиб аниқланади.

7. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан келишилган.

*Меҳнат ва аҳолини ижтимоий  
муҳофаза қилиш вазири*

**А. АБДУХАКИМОВ**

*2015 йил 26 август*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2015 йил 26 августдаги ПФ-4751-сон «Иш  
ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар  
миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони  
бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш  
тартиби тўғрисидаги низомга  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикасида белгиланган  
энг кам ойлик иш ҳақи  
МИҚДОРЛАРИ**

Ўзгартиришлар санаси ва даври	Белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдори
<b>Сўмларда:</b>	
01.01.1973 йилдан	70,00
01.01.1992 йилдан	350,00
01.03.1992 йилдан	$(350,00 + 550,00) / 2 = 450,00$
01.04.1992 йилдан	550,00
01.07.1992 йилдан	1 000,00
01.09.1992 йилдан	1 250,00
01.10.1992 йилдан	2 000,00
01.01.1993 йилдан	2 500,00
01.04.1993 йилдан	3 000,00
01.06.1993 йилдан	7 500,00
01.07.1993 йилдан	11 250,00
01.09.1993 йилдан	13 500,00
01.11.1993 йилдан	16 200,00
<b>Сўм-купонларда:</b>	
01.12.1993 йилдан	24 300,00
01.01.1994 йилдан	30 000,00
01.03.1994 йилдан	45 000,00

Ўзгартиришлар санаси ва даври	Белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдори
01.06.1994 йилдан	70 000,00
<b>Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида (сўм):</b>	
01.07.1994 йилдан	70,00
01.08.1994 йилдан	100,00
01.03.1995 йилдан	150,00
01.09.1995 йилдан	250,00
01.04.1996 йилдан	400,00
01.09.1996 йилдан	550,00
01.12.1996 йилдан	600,00
01.07.1997 йилдан	750,00
01.07.1998 йилдан	1 100,00
01.01.1999 йилдан	1 320,00
01.08.1999 йилдан	1 750,00
01.08.2000 йилдан	2 450,00
01.08.2001 йилдан	3 430,00
01.04.2002 йилдан	3 945,00
01.08.2002 йилдан	4 535,00
01.05.2003 йилдан	5 440,00
01.08.2004 йилдан	6 530,00
01.05.2005 йилдан	7 835,00
01.10.2005 йилдан	9 400,00
01.07.2006 йилдан	10 800,00
01.11.2006 йилдан	12 420,00
01.08.2007 йилдан	15 525,00
01.11.2007 йилдан	$(15\ 525,00 + 18\ 630,00) / 2 = 17\ 077,50$
01.12.2007 йилдан	18 630,00
01.04.2008 йилдан	20 865,00
01.09.2008 йилдан	25 040,00
01.11.2008 йилдан	$(25\ 040,00 + 28\ 040,00) / 2 = 26\ 540,00$
01.12.2008 йилдан	28 040,00
01.08.2009 йилдан	33 645,00
01.12.2009 йилдан	37 680,00
01.08.2010 йилдан	45 215,00
01.12.2010 йилдан	49 735,00
01.08.2011 йилдан	57 200,00
01.12.2011 йилдан	62 920,00
01.08.2012 йилдан	72 355,00
01.12.2012 йилдан	79 590,00
01.08.2013 йилдан	$(79\ 590,00 + 91\ 530,00) / 2 = 85\ 560,00$
01.09.2013 йилдан	91 530,00
01.12.2013 йилдан	$(91\ 530,00 + 96\ 105,00) / 2 = 93\ 817,50$
01.01.2014 йилдан	96 105,00

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й.*

Ўзгартиришлар санаси ва даври	Белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдори
01.09.2014 йилдан	107 635,00
01.12.2014 йилдан	$(107\ 635,00 + 118\ 400,00) / 2 = 113\ 017,50$
01.01.2015 йилдан	118 400,00
01.09.2015 йилдан	130 240,00